

ЖОШЛИК СУЎБИ



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

16 апрель, сешанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 74 (1327)

ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИ — ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИ

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг шаҳардан сайланган республика Олий Мажлиси депутатлари иштирокида қўшма сессияси бўлди. Уни шаҳар ҳокими К. Тўлағонов бошқарди.

Сессияда «Россия Федерацияси Давлат Думаси Беловеж битимларини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилганлиги ва собиқ совет ҳудудидagi интеграцион жараёнлар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари кенгашининг қўшма қарори лойиҳаси тўғрисида»ги масала муҳокама этилди.

Термизда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларининг вилоятдан сайланган республика Олий Мажлиси депутатлари иштирокида қўшма сессияси бўлди. Уни вилоят ҳокими Ж. Норалиев бошқарди.

Сессияда «Россия Федерацияси Давлат Думаси Беловеж битимларини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилганлиги ва собиқ совет ҳудудидagi интеграцион жараёнлар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари кенгашининг қўшма қарори лойиҳаси тўғрисида»ги масала муҳокама этилди.

Навоийда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларининг вилоятдан сайланган республика Олий Мажлиси депутатлари иштирокида қўшма сессияси бўлди.

Сессияда «Россия Федерацияси Давлат Думаси Беловеж битимларини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилганлиги ва собиқ совет ҳудудидagi интеграцион жараёнлар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари кенгашининг қўшма қарори лойиҳаси тўғрисида»ги масала муҳокама этилди.

Урганчда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларининг вилоятдан сайланган республика Олий Мажлиси депутатлари иштирокида қўшма сессияси бўлди. Уни вилоят ҳокими И. Юсупов бошқарди.

Сессияда «Россия Федерацияси Давлат Думаси Беловеж битимларини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилганлиги ва собиқ совет ҳудудидagi интеграцион жараёнлар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари кенгашининг қўшма қарори лойиҳаси тўғрисида»ги масала муҳокама этилди.

Қўшма сессияларда сўзга чиққанлар халқимиз истиқлол шарафати билан қарамлик ва мутегиликдан қутулиб, эркинлик ва фаровонлик йўлига тушиб олганини, мустақиллик ҳозирдаёқ ўзини ажойиб самараларини бера бошлаганини таъкидлашди. Шубҳасиз Россиядаги айрим сиёсатдонларнинг собиқ иттифоқни тиклаш, интеграцияни сўғий равишда жонланттириш орқали ҳамма мақсадига эриштириш тўғрисидаги

қарорларнинг қўшма қарори лойиҳаси тўғрисида»ги масала муҳокама этилди.

Сессияда қўрилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Сессияда қўрилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Сессияда қўрилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Сессияда қўрилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Шўролар тўзуми даврида мутлақо ёпиқ бўлган Марказий Осиё ҳудудидида 90-йиллар давомида рўй берган оламушумул ўзгаришлар араб давлатлари ва халқлари диққатини жалб этаётган муҳим воқеалардан бўлиб қомақда. Айниқса, араб дунёсининг буюк алломалар ва муҳаддислар ватани бўлмиш Ўзбекистондаги ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёнига қизиқиши кучлидир.

Хусусан улар Президент И. Каримовнинг мазмун-моҳияти билан мустақиллигини мустақамлаш ҳамда миллий қадриятларини эълозлашга йўналтирилган сиёсатини юксак баҳоламоқдалар. Айниқса, Президентимизнинг Россиядаги айрим кўчалар, жумладан, коммунистларнинг собиқ иттифоқни қайта тиклашга қаратилган ҳатти-ҳаракатларига билдирган кескин муносабати дунёнинг бошқа мамлакатларидаги каби араб давлатларида ҳам юқори ҳайрихоҳлик ила кўриб олинмоқда.


Шу йилнинг 8 апрелида Саудия Арабистони Пошхоқлиги пойтахти Ар-Риёд шаҳрида бўлиб ўтган Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларини чуқурлаштириш йўлида» китоби арабча наشري тақдимномаси ҳам ана шу қизиқиш ва ҳайрихоҳликнинг амалий самараси бўлди.

Ушбу тақдимнома икки жихати билан алоҳида диққатга сазовордир. Маълумки, Ислам Каримовнинг кўтар китоблари инглиз, француз, корей, рус ва бошқа хорижий тилларга таржима қилиниб мустақил Ўзбекистонини, унинг иқтисодий имкониятларини дунёга танитиш ва чет эл сармояларини Ватанимизга жалб этиш учун фаол хизмат қилмоқда.

Лекин қарийб 250 миллион аҳолига эга араб дунёси мамлакатимизда охириги йилларда амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар ҳақида бевосита илк қаратилган табиий интилиши йўлида ров бўлиб келаётган эди.

Тақдимноманинг иккинчи аҳамиятли жиҳати шундаки, нафақат араб дунёси, балки умуман мусулмон олами ичра алоҳида нуфузга эга мамлакат, Макка ва Мадина каби муқаддас шаҳарлар жойлашган мўътанабар замин — Саудия Арабистонидида бўлиб ўтди. Бу эса Ўзбекистон Республикасини мамлакатимизга курсатилётган яна бир ало-

ИСЛОМ КАРИМОВ КИТОБИ АРАБ ТИЛИДА



манбалардан ахборот олиш имкониятига тўла эга бўлмаган эди. Бу эса, араб ишбилармонларининг мамлакатимиз ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишига

ҳида ҳурмат ва эътибор белгисидир.

Маросимда Ўзбекистоннинг Саудия Арабистони Пошхоқлигидаги Факултода ва Мухтор элчиси С. Иноғомов йилгиланларга китобнинг мазмуни, унда акс этган фикр ва мулоҳазалар тўғрисида сўзлаб берди.

Президентнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларини чуқурлаштириш йўлида» китоби Байрутдаги «Шарикат ал-мабуот лит таъвиз ван нашр» наشريети томонидан арабчада чоп этилди. Ноширнинг китобдан ўрин олган кириш сўзида унинг мазмуни ва моҳияти ҳамда руҳияти яхши акс этган. Жумладан, унда қуйилган сўзлар бор: «Ушбу китоб ўз юртини чексиз севувчи фуқаро, ислохий юксалишининг энг майда тафсилотлари ҳақида ҳам қайғурувчи давлат арбоби ҳамда ислоҳотлар ҳақида назарий фикр юритиб, уларни чин дилдан қиём этаётган Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримов ханоб олийлари қаламига мансуб.

Китоб истиқлолдан олдинги воқелик, мустақиллик қўлга киритган Ёш республика олдида пайдо бўлган қийинчиликлар ҳақида ҳикоя қилиб, ўзбек халқи республика раҳбарияти бошчилигида мамлакат ва унинг имкониятларига босқичма-босқич ўтказилаётган ислоҳотлар орқали ўз ватанининг юксалишини таъминлашга эришяётганини акс эттирди.

Маъзур китоб ўқшаш вазиётни бошдан кечирётган ҳар бир халқ, бурҳонга дуч келган ҳар қандай миллат, қийинчиликларни енгиб ўтган йўллارини излаётган ҳар қандай жамяит учун фойдали дарсдир.

Ноширнинг ушбу талқини ва китобга берган юксак баҳо-си Ўзбекистон эришган ютуқларнинг чет эллардаги эътирофи, халқимиз ва мамлакатимизга хорижий дунё томонидан курсатилётган таъриҳолоқликнинг яна бир мисолидир. Дарҳақиқат, китобни расмий тақдим этиш маросимда ҳозир бўлган Саудия Арабистонини расмий вакиллари, дипломатлари курсуи вакиллари, ишбилармонлар ва бу мамлакатда яшяётган ватандошларимиз ҳам бугун Ўзбекистонда амалга оширилаётган қайри ўзгаришлар ҳақида алоҳида меҳр ва санимийт билан гапирилган, халқимиз ва мамлакатимиз олдида турган масъулиятни назира-ларнинг амалга оширилишида муваффақиятлар тилади.

ТЕМУР ЮРТИДА

Соҳибқирон таваллудига 660 йил тўлаган кун унинг ватани — Қашқадарёнинг барча шаҳар ва қишлоқларида шод-хуррамлик, байрамона кайфият билан кўтиб олинди.

Тантаналарга тайёргарлик қилиш бундан анча олдин бошлаб юборилганди.

Дастлаб вилоят марказида, Муллайтичи Тошмуҳаммедов номли музикали драма театрида «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихи маданиятида тутган ўрни» маърузида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда тошкентлик олимлар, ёзувчилар, жамоат арбоблари, вилоят адабий муҳити ва маланияти ходимлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар. Илмий-амалий анжуман қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Фаилар академиясининг академиги Бўрибой Аҳмедовнинг маърузасини тингладилар.

МАМЛАКАТИМИЗДА: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

ЯНГИЛИКЛАР, ФАКТЛАР, ВОҚЕАЛАР

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ўзининг «Соҳибқирон» драмаси яратилиши тарихини гапириб берди. Анжуман якунида вилоят мусиқали драма театри санъаткорлари томонидан сахналаштирилган «Соҳибқирон» драмасининг премьераси бўлди.

Тадбирлар эртаси кун Янқабот туманидаги Хўжангир қишлоғида давом эттирилди. Соҳибқирон ҳаётига оид қизиқарли суҳбатлар бўлиб ўтди.

Илмий-амалий анжуман қатнашчилари Куббатулҳизро-Шаҳриабзада Амир Темур номи билан боғлиқ тарихий обидиларни эиэрат қилдилар. Бу ерда «Миллатнинг дарларига дармон бўли» маърузи-даги қўшиқлар таловида ҳозир бўлиши, вилоят марказида бошланган Амир Темур шаҳсига оид суҳбатлар Шаҳриабзада давом эттирилди.

П. ГАЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Косонсой туманида ташкил этилган Ўзбекистон — Литва қўшма корхонасида асосан қишлоқ хўжалиги техникалари учун зарур бўлган ИД-21 карбораторлари тайёрланади ҳамда таъмирланади.



Маъсулоининг асосий қисми Фаргона vodiсис хўжалиқларида, шунингдек, Республикаимизнинг бошқа вилоятларида жўнатлади. Шу йилнинг ўзиди бу ерда 25 миллион сўмлик ИД-21 карбораторлари ишлаб чиқарилади.

СУРАТДА: ишчилар Мансур Қалмбаров ва Абдуқанол Исламқулбеков таъйир маъсулот сифатини кўздан кечаришати.

Ш. ОДИМОВ (ЎА) олаган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ Ф. ЗОКИРОВНИ «ШУХРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик самарали хизмати, республикада эстрада санъатини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётганлиги учун Ўзбекистон халқ артисти Фарруҳ Зокиров «Шухрат» медали билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1996 йил 15 апрель.

Бугун Тошкентда Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг биринчи таъсис қурултойи очилади.
(Ушбу анжуманга бағишланган материалларни 2-бетда ўқийсиз)

УШБУ СОҶДА

2 ТАДБИР- КОРЛИК РИВОЖЛАШИ ЭНГ МУҲИМ БОСҚИЧ	3 ХАТЛАРДАН САТЛАР	4 БИР РАСМ ТАРИХИ
--	---------------------------------	--------------------------------

БУГУН ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ПАЛАТАСИНИНГ БИРИНЧИ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ ОЧИЛАДИ

Кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш давлат сиёсати даражасидаги устувор йўналишдир.

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИДАГИ МУҲИМ БОСҚИЧ

Президентимизнинг шу йил 12 мартдаги Фармони асосан, Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ташкил этилганидан хабардорсиз.

Бу тадбир ислохотлар жараёнида энг муҳим бошқариладан биридир. Негаки, у мамлакат иқтисодиёти гуллаб-яшнаши таъминлашнинг асосий воситаларидан бири бўлиши тадбиркорликни ривожлантириш, хусусий тадбиркорликни шакллантиришга йўналтирилган бошқа фармонлар, Олий Мажлис қарорларидан, бу борада аввалроқ белгиланган кенг қўламли структуравий, ташкилий ва амалий ишлардан мангитки жиҳатдан кескин фарқ қилади. Россия саноатчилари ва тадбиркорларининг раҳбари А. Вольский республикамизда товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ташкил этилиши хусусида ўз муносабатини билдирган, «Бу — ҳақиқий инқилоб. Ўзбекистонда амалга оширилган ишлар нафақат тадбиркорликни ривожлантириш, балки бутун мамлакат иқтисодиётининг тараққиёти йўлида янги, ҳар тарафлама кенг уфқлар очади», деб таъкидлади. Бу баҳога изоҳнинг ҳолати бўлмаса керак.

Бугун республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳаётида, таъбир жоиз бўлса, тарихий воқеа — унинг биринчи қурултоёи ўз ишчи бошлайди. Бу анжуман арафасида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида таъсис конференциялари бўлиб ўтди. Уларда раҳбар органлар сайланиб, аниқ-равшан вазифалар белгилаб олинди. Палатанинг умумий стратегиясини эса бўлажак қурул-

ки, буларнинг барисини ҳозир санаб ўтиш қийин. Бир мисол. Палата барча юқори доираларда: давлат тизими ва идоралар ўртасида, шунингдек, чет эл мамлакатлари билан ҳамкорликни йўлга қўйишда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилади.

Дейлик, тадбиркор, ҳатто у нуфузли даражада бўлсин, палата аъзоси ҳисобланса, ўзини мамлакатимизда бизнесни ташкил этиш бўйича тенг ҳуқуқли вакил сифатида ҳис этади, хориқчилик билан иш юритиш учун зарур бўлган барча ёрдамни ола билади.

Улар, шунингдек, бой аҳборот манбаларини қўлга киритадилар. Чунки палата нафақат замонавий техника воситалари билан жиҳозланганига қолмасдан, балки конъюктура, маркетинг ва бошқа бозор тамойиллари масалаларини тўласинча ва ҳар томонлама ёриданган махсус тизимга эга бўлади.

Таъкидлаш жоизки, палата аъзоси сифатида товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар тўлайдиган бадаллар миқдорини қурултойда уларнинг ўзлари белгилашади. Шунинг ўзиёқ палатанинг тузилтиш демократияга асосланишдан далолат беради.

Тўғри, бугун ҳам қурултоёи, ҳам палата раҳбарлари олдида бир қатор мураккаб масалаларни ҳал этиш вазифаси турибди. Лекин, ишончим комилки, уларнинг ҳаммаси ўз ечимини топади. Чунки Президентимиз, Олий Мажлис ва ҳукуват республикада тадбиркорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаб, уни янада ривожлантириш ҳақида доимо гамхўрлик қилиб келмоқда.

У. ИКРОМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ФРАНЧАЙЗИНГ

Франчайзинг (инглизча franchise — имтиёз) — чет эллик шериклар билан биргаликда иш олиб бориш усули; шартнома (контракт) асосида технология эгаси бўлган фирма (франчайзер)нинг тижорат ёки саноат билимлари (лицензиялар)ни сотиш билан бирга маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни чет эллик ҳамкор (франчайзи) бозорида сотишда бевосита иштирок этиш.

Одатда шу орқали маҳсулот ишлаб чиқаришда энг зарур ва асосий қисмлар, моддалар, бутловчи узеллар етказиб бериллади. «Пепси-кола» фирмасининг фаолияти франчайзингга яхши мисолдир. Бу фирма шундай ичимликни ишлаб чиқарадиган корхоналарни (масалан, Қўрай пиво ва яхна ичимликлар комбинатини) концентрат билан таъминлаб, ишлаб чиқариш, реклама, товарни ўтказиш борасида маслаҳатлар бериб бормоқда.

Бозор тамойиллари

ХОЛДИНГ КОМПАНИЯ

Холдинг компания (инглизча holding — эга) — бошқа банклар, фирмаларни назорат қилиш ва фаолиятини бошқариш мақсадида уларнинг акциялари назорат паке тига эгаллик қилувчи компания.

Холдинг компаниянинг икки тури бор: соф холдинг — фақат махсус назорат ва бошқарув мақсадларида тузилади; аралаш холдинг — назорат ва бошқарув вазифалари билан бирга саноат, савдо, транспорт, кредит-молия ва бошқа соҳаларда тадбиркорлик фаолияти билан ҳам шугулланади. Холдинг компанияни монополистик бирлашмалар (трест, концернлар)нинг раҳбарлари ёки уларнинг ишончли вакиллари бошқаради. Холдинг компаниялар капиталистик иқтисодиётнинг ташкил этишининг юқори босқичида туради.



ХИССАДОРЛАР
(фоторепортаж)

Кўرғонтепа тумани савдо ва ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти ўзининг 67 та савдо шохбчаси ва 10 та умумий овқатланиш корхонаси орқали аҳолига хизмат кўрсатиб келяпти. Ҳиссадорлик жамияти бошқаруви асосий эътиборни кунлик эҳтиёж учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг доимо пештахталарда мавжуд бўлишига қаратмоқда.

Яқинда туман марказида ҳиссадорлик жамиятига қарашли иккита янги савдо маркази ишга тушди. Уларнинг 10 дан ортққ бўлимлари бор. Бу ерда кунига мингдан ортққ харидорга намунали хизмат кўрсатиляпти.

СУРАТЛАРДА: савдо марказининг бўлимлари; савдо маркази сотувчиси Лолахон Сатторова.

Ш. ОЛИМОВ (ЎЗА) олган сураатлар.

Саховатпешалар

ҚўЛИ ОЧИҚ ИШБИЛАРМОН

Меҳнатобод туманидаги «Мирзачўл» хусусий кичик корхонасининг бошқарувчиси Муҳаммадҷон Боқиев камгап, камсукум, ўзаро муомалада оғир-босиқ, камтар инсон.

Иш юритишга келганда эса, обдон чамалаб кўргандин сўнггина бир юмушга қўл уради. Ишининг кўзини билдиб, ҳаракат қилиши, тадбиркорлиги босиқ унинг корхонаси 1995 йилни 570 миң сўм соф фойда билан аяқлади.

М. Боқиевининг хусусий корхона очганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай, уни меҳнатободликлар қўли очик, фақат ўзининггина эмас, узагаларни ҳам уйландиган му-

лоқазали инсон сифатида жуда яхши билишади. У тумандаги маблаг, болалар боғчаларини таъмирлаш ва жиҳозлашга яқиндан моддий кўмак бериб келмоқда. Ишбилармоннинг бу саховатпешалиги бугунги кунда қандайдир бир эҳтиёжга, зарурий қўндалик ташвишга айланган, десак муболаға бўлмайди. Хусусан, 1994 йилда у тумандаги 1-ўрта мактабни зарур ўқув қуроллари ва бошқа жиҳозлар билан тўла таъминлаш мақсадида икки миллион сўм-купон ажратиб берган эди.

Ана шундай ҳайр-саховатлар эгаси яна бир савобли ишга қўл урди. Яқинда у туман марказий поликлиникасига 50 миң сўм миқдорда маблаг ажратди. Ҳозирги иқтисодий қийинчиликларни ҳисобга олган тадбиркор тумандаги сикк салликлари шифокораси учун ҳам шунча миқдорда маблаг ўтказиб берди.

Шу кўнларда корхона томонидан туман ёнингга қарши курашиш бўлими ҳисобига ўтказилган 50 миң сўм маблагдан эса икити тармоқларини қайта жиҳозлаш ва хонадонларни газлаштиришда фойдаланапти.

О. ТўРАҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МАШИНА ОЛМОҚЧИМИСИЗ, МАРҲАМАТ!

«Автомашиналар бозори» Урганч шаҳрида барпо этилган янги бозорни ҳоразмликлар шундай деб аташмоқда.

Уни даврининг ўзи тақозо этди. Аҳоли эҳтиёжини бошқалардан кўра яхшироқ илган тадбиркор Жаббаран Ёқубов фурсатни ўтказмай, ишга киришди. Саҳни бир неча гектар майдонни эгаллаган бозор қурилиши саноқчи ҳафталар ичида ниҳоятга етказилди.

— Бозоримиз ҳар кунни ишлаяпти, — дейди у. — Бу ерда наинки Хоразм, балки Қорақалпоғистон, Туркманистон, Қозғистон, Россия Федерациясининг қатор вилоятларидан келтирилган турли русумдаги енгил ва юк автомашиналари, қишлоқ ҳўжалик техникаларини харид қилиш мумкин. Савдотик ўчун ҳамма қўлайликлар мавжуд. Чунончи, сотиб олинган транспорт воситаси шу ернинг ўзида фаолият кўрсатаётган нотариал идораси шохбосчи томонидан бир паслаёқ расмийлаштириб берилди. Бозор қошида эса шпнам меҳмонхона, маиший хизмат нуқталари, тамаддиҳоналар ишлаб турибди. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияси ҳам тез орада фаолият кўрсата бошлайди.

А. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ФАРАНГ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА

Қизилтепадаги «ЯХ» фирмаси тадбиркорлари хайрли ишга қўл урдилар.

«Бизнес-фонд» туман бўлими бошлиғи Б. Шодиевнинг таъкидлашича, Франциянинг «Делиплан» фирмаси ишбилармонлари билан ҳамкорликда кичик ёғ-мой заводни қуриштиришга киришилди. Уни жорий йилда фойдаланишга топшириш мумкин бўлади.

Корхона бир йилда 1225 тонна чигитни қайта ишлаш ва 700 тонна ёғ тайёрлаш қувватига эга.

Т. ЭШБОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН Президентини Ислам Каримов ўзининг кейинги нутқларида мулкдорлар синфини шакллантириш зарурлигини қайта-қайта таъкидламоқда. Айнан шу синф республика иқтисодиётини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтариши лозим. Ҳозир мамлакатда мулкдорлар синфини еғужюда келтириш учун ҳамма шарт-шароит муҳайё. Тегишли қафолатлар Ўзбекистон Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган: ҳамма мулк шакллари тенг ҳуқуқлидир.

Шунга қарамай, бу синф қўндалганидан анча сует юзага келмоқда. Ҳамма вилоят ва туманларда, катта-кичик шаҳар ва қишлоқларда бунинг ўзига хос умумий сабаблари бор. Улар нималардан иборат? Уларни баргараф этиш учун қандай чораларни қўллаш лозим? Мулкдорлар синфининг шаклланишига кенг йўл очиб бериш учун нима қилиш керак?

«Ўзбекистон Республикасида мулкдорлар синфини вужудга келтириш» мавзусига бағишлаб Нукусда ўтказилган республика мажлисида ана шу саволларга жавоб топишга ҳаракат қилинди. Мажлиснинг ўзбекистон Давлат мулк қўмитаси ва Қорақалпоғистон ҳукумати биргаликда уюштирилди.

Агар Қорақалпоғистон Республикасида ва унинг пойтахтида иқтисодий ислохотлар Тошкент ёки Самарқандга нисбатан сует кешётгани ҳисобга олинса, мажлисларнинг бу ерда ўтказилиши галати туюлиши

Мулкдорлар синфи муаммолари

ДАСТУР ҚАБУЛ ҚИЛИШГА КЕЛИШИЛДИ

Нукусда бўлиб ўтган мажлисда мулкдорлар синфини шакллантиришнинг долзарб масалаларига бағишланди

ватлашга қаратилган конкрет давлат дастурини қабул қилиш зарурати» пишиб етилди, деган хулосага келинди.

Қатнашчилар ушбу ҳаракатнинг устувор йўналишини аниқ кўрсатиб бердилар. Ҳозир бу со-

моийларнинг яратиш йўли билан ишлаб чиқариш тармогини ривожлантиришга йўналтиришга даъват этилди.

Мулкдорлар синфини шакллантиришнинг умумий нишонлари пайдо бўла бош-

ди. У кўчмас мулк, пул маблағлари қўндалганида мулк, хусусийлаштириш натижасида ва капитални акцияларга ҳамда қимматли қоғозларга айлантириш йўли билан мол-мулкка эга бўлиш асосида вужудга келтирилмоқда.

Бирок мавжуд вазият шунинг кўрсатмоқчиди, мулкдор-ти билан муҳим аҳамиятга эга бўлди. Чунончи, ўз монополиясини сақлаб турган банклар шаънига қўндалган танқидий фикрлар айтилди. Банк хизмати кўрсатиш юзасидан шартнома тузиш чоғида банк ўз амрини ўтказмоқда. Бугунги кунда шундай вазият вужудга келдики, мулкдор ўз маблағини тўла тасарруф этолмайди. Марказий банк эса аҳвол шундай бўлишига қарамай, хусусий ва тижорат банклари ҳамда турли модиявий структураларнинг шаклланиши ва ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб бермаётир.

Мажлисларда ҳозирги солиқ тизимига нисбатан муносабат ҳам аниқ намоён бўлди. Ушбу тизим тадбиркорларнинг рағбатлантирмаётти. Солиқ тизими ва статистик ҳисобот анча беҳушвор: айниқса, қишлоқдаги кичик ва ўрта бизнесга таъсир қилувчи ҳисса — бухгалтерни ёллашга маблаг етишмайди.

Шу билан бирга, мажлисларда яна бир муҳим мавзу кўтарилди. Тадбиркорларнинг билимсизлиги шунга олиб келмоқдаки, улар шахсий корхоналарини барпо этишни унча ҳуш-ламангилар. Назорат хизмати-нинг айрим вакиллари эса уларнинг билимсизликларини сунистемол қилмоқда ва бунинг вазиятини вужудга кел-

тирмоқда.

Сирасини айтганда, гап муҳим масалаларнинг саногиди эмас. Аммо мажлисларда янги таъсирлар ишлаб чиқилган муҳим аҳамиятга эга бўлди. Масалан, хусусий банклар тармогини кенгайтириш ва уларни рўйхатга олиш механизмларини соддалаштириш, рақобатли банк муҳитини вужудга келтириш шулар жумласига киради. Солиқ тизимини соддалаштириш хусусида ҳам кўпгина таклифлар айтилди. Чунончи, республика бозориди мавжуд бўлмаган хомашё, ашё ва бошқа маҳсулотларга солиқнинг солиқни камайтириш ёки солиққа тортишни бекор қилиш тавсия этилди.

Мажлисларда талайгина тавсиялар ишлаб чиқилди. Агар улар санаб чиқилган бўлса, газетанинг бир саҳифаси тулади. Бу тавсиялар манфаатдор шахсларга албатта етказилди. Эндиги гап тегишли органларнинг уларга амал қилишларидир. Бунда Олий Мажлис қўмиталари ҳам четда қўлайдилар, албатта. Ҳамма умид улардан. Қўмиталар мажлислардан бой маълумотлар олдидлар ва булар бундан бунёни қўнчиллик ишларида асқотгани мумкин.

Л. СПИРИДОНОВ,
«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари мухбири.



ХАТЛАРДАН САТРАЛАР

АВТОБУС «АДАШДИМИ» ЁКИ КОМПЬЮТЕР?

Қарши шаҳрида ҳарбий хизматда ўз бурчини адо этмаётган ўғлимизни кўргани бориб келишга қарор қилдик.

31 январь куни «Тошкент» автовокзалда Тошкент — Денов йўналиши бўйича қатновчи автобусга чипта сотиб олдик. Автобусга чиптамизни текшириб чиқашди. Ҳайдовчи ўзининг йўл қозонига «Қаршига 2 киши» деб белги ҳам қўйди.

...Автобус тунги соат 00.20 ларда Тошкент-Термиз йўлининг Ғузур ва Қарши томонларга кетадиган айрилиш жойига келиб тўхтади. Ҳайдовчи бизга автобус чап томонга бурилиш кетди, Қаршига «бор-йўри» 40 км.ча қолди, етиб оларсизлар, деб шу ерда тушишимизни сўради. Мен Ҳайдовчига нега шунини Тошкентда айтмаганини, қўлимиздаги чипта шаҳаргача, деб аниқ-равшан қилиб ёзиб қўйилганини айтдим. Бунга жавобан Ҳайдовчи бир гапида сизларга чипта-хонада адашиб ёзиб бериш-

ган деса, яна бир гапида, 2 киши учун шаҳарга бориб юрамани, дейди. Чиптачи адашди десак, чиптачи компьютерда ёзиб берган.

Хуллас, совуқда қийналиб, эрталаб зўрга ўткинчи машинада шаҳарга етиб олдик...

А. ДОСУМҲУЖАЕВ,
Тошкент шаҳри,
Бектемир тумани.

ТЕПСА ТЕБРАНМАС

Грун кўргонидagi 15-мактабни таъмирлаш бир неча йиллардан бери пайсалга солиб келинмоқда.

Болалар қишда совуқ хоналарда ўқитилади. Бир сафар совуқда ўқийганимиз имконияти бўлмагани учун мактабимиз вақтинча ёпилди.

Биз турли юқори ташкилотларга арзнома йўллади. Ниҳоят, Халқ таълими вазирлигиндан ходимлар келишди. Мажлис ўтказилиб, ёрдам бериш тўғрисида қарор қабул қилинди. Мазкур қарор эса, «қутлимган» натижаларни берди, яъни ҳеч қандай ўзгариш бўлмади.

Ушбу масала бўйича га-зетангизда («Халқ сўзи» 12

октябрь, 1994 йил) «Бел-боққа ёлчимас бўзчилар» сарлавҳали танқидий мақола ҳам чиқди. Энди эътибор берилар, деган умид билан бир ярим йилни ўтказдик. Шу вақт мобайнида маҳалла аҳли бу ердаги тепса тебранмас мутасадди раҳбарларга танқид ҳам, текшириш-у қарорлар ҳам қор қилмас экан, деган хулосага келишди...

А. МИҲЛИЕВ,
Ангрен шаҳри (жам 6 имзо).

АЛОҚА БЎЛИМИНИ ЁПИБ ҚЎЙИШДА

Тўрақўрғон туманининг «Қатағон Сарой» қишлоғида 4987 киши истиқомат қилади.

1994 йилда ўринлар қисқарди, деб қишлоқдаги алоқа бўлимини ёпиб қўйишди. Қишлоқ аҳли норози бўлиб, туман ҳокимлигига шикоят йўллади, лекин негадир арзнома эътиборга олинмади.

Чунки электр, газ учун пул тўлашга 6 км йўл боши керак. Бунинг устига яна «ўринлар қисқариши» деган баҳона билан қишлоққа атиги битта почта бўлими қўйишди. У ҳам ўз вазифасига совуққонлик

Н. РАҲИМОВ,
Оқтоғ шаҳри.

билан қарайди. Натижанда эса, нафақалар ўз вақтида эгаларига етказиб берилмайпти.

С. РАҲМОНОВ,
Наманган вилояти.

ЙЎЛОВЧИЛАР ЕНГИЛ ТОРТГАНДА...

Яқинда Бухоро темир йўл бошқармасининг Навоий бўлими Навоий-Зиёғўлимдин-Зирабулоқ йўналиши бўйича икки вагон уланган поезд қатновини йўлга қўйган эди.

Ихчам поезд Зирабулоқ ва унинг яқин атрофида яшаб, Навоий шаҳрида ишлайдиган кишиларга, айниқса, рўзгор ташвишида шаҳарга мева-чева элтидиган деҳқонларга жуда қўл келган эди.

Нима бўлди-ю, йўловчилар энди енгил тортганда «яна қўшимча вагон қўшилди эмиш», деган мишмишдан сўнг, поезд қатновини умуман тўхтатилди. «План» тўймаётган эмиш!

«План» дегани бир ойга 60 миң сўм экан. Поезд бир кунда Навоий-Зирабулоқ йўналиши бўйича 4 марта қатнайди. Ҳар бир бориб келишда ўртача 300 дан 500 кишигача одам чиқади. Киши бошига энг камид 10 сўмдан ҳисобласак, бир ойлик режани ўн беш кунда бажариш мумкин-ку?

Хуллас, бунга сабаб белгиланган режа тўлмаётгани эмаслиги шундоқ кўри-ниб турибди. Қатнов яна йўлга қўйилса, йўловчиларнинг оғири бир оз бўлса-да, енгиллатилган бўларди.

Н. РАҲИМОВ,
Оқтоғ шаҳри.

ТАВАККАЛ ҚОДИРОВ

Узбекистон маданияти оғир жудолуққа ўради. Узбек кўшиқчилик санъати ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган мумтоз санъаткор, Узбекистон халқ артисти Таваккал Қодиروف оғир касалликдан сўнг 70 ёшида вафот этди.

У 1926 йил 10 июнда Фарғона вилоятининг Кува туманидаги Султанообод қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. Урта мактабни тугатган. Кува тумани маданият бўлимида хизмат қилди. Сў-

нгра Фарғона санъат бўлими юртида талаба бўлиб, музыка сирларини ўрганди.

Таваккал Қодиروف узбек йиллар Фарғона вилоят мусиқали драма театрида актёр-ижрочи сифатида қизғин ижодий фаолият кўрсатди. У 1978-1991 йилларда Фарғона вилоят филармонияси-га бевосита раҳбарлик қилиб келди. Таниқли санъаткор умрининг охиригача Фарғона давлат до-рифтунунида профессор-ўқитувчи лавозимида ишлаб, ёшларга кўшиқ санъати сирларини меҳр билан ўргатди.

И. ҚАРИМОВ, Э. ХАЛИЛОВ, Ғ. СУЛТОНОВ, Т. АЛИМОВ, Х. ЖҲҲАЕВ, С. САИДҚОСИМОВ, М. ИСЛОМОВ, Ҳ. НОСИРОВА, Т. ҚҲҲАЕВ.

СЕШАНБА, 16

6.30 «Ассалом, Узбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 7.30 «Ахборот». 7.55-8.30 «Ассалом, Узбекистон!» (давоми).

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДИНЕСИ

6.30 — 8.00 «Телегонг».

18.10 — 20.40

20.40 «Тропиканка сирин». Теле-сериял. 21.30 «Шоҳсула сарин».

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИНЕСИ

22.00 — 00.10

00.10 Эълонлар. 00.15 — 00.20 Янгиликлар.

ПАЙШАНБА, 18

6.30 «Ассалом, Узбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 7.30 «Ахборот». 7.55 — 8.30 «Ассалом, Узбекистон!» (давоми).

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДИНЕСИ

6.30 — 8.00 «Телегонг».

18.20 — 20.40

20.40 «Тропиканка сирин». Теле-сериял. 21.30 «Шоҳсула сарин».

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИНЕСИ

22.50 — 23.20

23.20 Эълонлар. 23.25 — 23.30 Янгиликлар.

ЧОРШАНБА, 17

6.30 «Ассалом, Узбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 7.30 «Ахборот». 7.55 — 8.30 «Ассалом, Узбекистон!» (давоми).

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДИНЕСИ

6.30 — 8.00 «Телегонг».

18.10 — 20.40

20.40 «Тропиканка сирин». Теле-сериял. 21.30 «Шоҳсула сарин».

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИНЕСИ

22.35 — 23.05

23.05 Эълонлар. 23.10 — 23.15 Янгиликлар.

ЖУМА, 19

6.30 «Ассалом, Узбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 7.30 «Ахборот». 7.55-8.30 «Ассалом, Узбекистон!» (давоми).

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДИНЕСИ

17.55 — 20.40

20.40 «Жонли сайра».

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИНЕСИ

21.00 — 00.10

00.10 Эълонлар. 00.15 — 00.30 «Кўнгирик мусаввир». Теле-фильм.

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДИНЕСИ

22.00 — 00.10

00.10 Эълонлар. 00.15 — 00.20 Янгиликлар.

ПАЙШАНБА, 18

6.30 «Ассалом, Узбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 7.30 «Ахборот». 7.55 — 8.30 «Ассалом, Узбекистон!» (давоми).

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДИНЕСИ

6.30 — 8.00 «Телегонг».

18.20 — 20.40

20.40 «Тропиканка сирин». Теле-сериял. 21.30 «Шоҳсула сарин».

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИНЕСИ

22.50 — 23.20

23.20 Эълонлар. 23.25 — 23.30 Янгиликлар.

ЧОРШАНБА, 17

6.30 «Ассалом, Узбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 7.30 «Ахборот». 7.55 — 8.30 «Ассалом, Узбекистон!» (давоми).

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДИНЕСИ

6.30 — 8.00 «Телегонг».

18.20 — 20.40

20.40 «Тропиканка сирин». Теле-сериял. 21.30 «Шоҳсула сарин».

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИНЕСИ

22.50 — 23.20

23.20 Эълонлар. 23.25 — 23.30 Янгиликлар.

ЖУМА, 19

6.30 «Ассалом, Узбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 7.30 «Ахборот». 7.55-8.30 «Ассалом, Узбекистон!» (давоми).

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДИНЕСИ

17.20 — 20.55

20.55 «Жонли сайра».

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИНЕСИ

20.55 — 22.40

22.40 «Узбектеlevision» та-ниқотириди. «Музей». Премьера. 23.00 Эълонлар. 23.05 — 23.30 «Панорама».

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДИНЕСИ

17.10 — 18.40

18.40 «Сиеҳдонча». Болалар учун курсатув. 19.00 «Мамлакатлар». Теле-фильм. 19.20 «Сенинг давринг». Ёшлар учун курсатув. 19.50 Эълонлар. 19.55 «Дурдаршан» телекомпаниясининг курсатувлари. 20.25 «Эсаллик учун дастак». 20.55 «Буёқ Илак йўли». Лотерея ўйини. 21.10 «Ми-ор — кеча ва бугун». 6-курсатув. 21.55 Эълонлар. 22.00 «Надо-нингиз оёқини бўйсин!» 23.00 Бу ажиб дунё. 23.20 — 23.30 «Хайрли тун!».

ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИ АБОНЕНТЛАРИ - КОРҲОНА, ТАШКИЛОТ ВА МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш бирлашмаси телефон алоқаси хизмат ҳақини тўлашни ва дебиторлик қарзини узишни тезлаштириш, Узбекистон Республикасида амал қилаётган қонунлар ва телефондан фойдаланиш шартларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида ҳамма абонентларга уларнинг мажбуриятлари тўғрисида ЭСЛАГАДИ

- абонентлик тўловини амалдаги таърифлар бўйича ўз вақтида тўлаш;
- шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар учун счётларни белгиланган мuddатларда тўлаш;
- хизмат кўрсатиш юзасидан Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бошқармаси билан шартномалар тузиш;
- кўрсатилган телефон хизмати учун олдиндан ҳақ, аванс тўлаш;
- мажбурий дебиторлик қарзларини узиш.

Афсуски ушбу тартиб-қоидалар бажарилмаётгани сабабли шаҳар телефон тармоқларидан катта суммада дебиторлик қарзлари тўланиб қолди ва бу корхонани сўғир молиявий шароитда қолдириб, тармоқни ривожлантириш ва хизмат кўрсатишни тақомиллаштириш, янги АТС тизимларини жорий этиш имконини бермаётган.

Ҳурматли абонентлар! Телефонни учириб ёқиб қўймаслигимиз учун хизмат ҳақини ўз вақтида ва тўлиқ тўлашингизни сўраймиз.

Тўловлар ҳамма телефон алоқа узеллари, шунингдек, почта бўлиmlари ва халқ банки кассаларида қабул қилинади. Иложи борича турар-жойингизда тўлашга ҳаракат қилинг.

Раҳбарлар диққати! Сиз фойдаланаётган станциялараро бирлаштирувчи линия ёки тўғридан-тўғри симлар носоз бўлса, 068 рақамга телефон қилинг.

Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Узбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги санитария, гигиена ва касалликларни йилми-текшириш институти жамоати табибёт фанлари доктори, Узбекистонда хизмат кўрсатган врач, профессор

Раҳмат УБАЙДУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур тазия изҳор этади.

«Конструктор» ИИБ ходимлари Узбекистон «Адолат» социал демократик партиясининг газетаси бош муҳаррири Тухтамурод Тошентагани

НОРБУ аянинг вафоти муносабати билан тазия изҳор этади.

Узбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги ва алоқа ходим-лари касба уюшмаси марказий қўмитаси раёсати Тошкент ало-қа коллежи директори

Эркин НУРИТДИНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур тазия изҳор қилади.

ТРАКТОР ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРИ, УСКУНАЛАР СОТИЛАДИ

Ташкент Тошкентдаги омбордан ҳайдов тракторлари учун эҳтиёт қисмлар ва осма ускуналар, селлалар, култиваторлар ҳамда бошқа қишлоқ ҳўжайи техника воситаларини (плуг тишлар, панжалар, кескичлар, тишлар, пошопниклар, поршен-сизла зўржика киручи деталлар ва бошқа кулаб мосламалар) сотиб олишни тақлиф этади.

Маҳсулотларга ҳақ тўлашда ҳисоб-китобнинг хоҳланган усулидан фойдаланиш мумкин.

Манзил: Тошкент, Қатортол кўчаси 60-уй, 701-хона. Тел./факс: 78-31-11.

"ОЛТРАСТ" инвестицион фирмаси (ЎЗР Молия вазирлигининг лицензияси №134) тугаши мuddати ҳар хил бўлган ВЕКСЕЛЛАР сотиб олади.

Мурожаат учун телефонлар: 77-44-77, 77-75-52. Тошкент ш., Қирққиз кўчаси, 10.

